БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 298 (18.176). • 29 декабрь 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси хабар беради: республика саноат корхоналарининг коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1981 йил планини муддатидан илгари — 28 декабрь куни бажардилар.

Кўмир қазиб олиш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турлари, трикотаж буюмлар, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан йиллик план ошириб адо этилиши кутилмоқда. (ЎзТАГ).

СССР 60 ЗАФАРЛАРИМИЗ— ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА!

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ИСТИҚБОЛИ

Сурхондарё областининг пахтакорлари давлатга 512,6 минг тонна пахта, шу жумладан, 233,6 минг тонна ингичка толали пахта етказиб бериб, катта зафар қучгани хабар қилинган эди. Областнинг улкан хирмонига Қумқўрғон райони заршуносларидан 48 минг тонна ингичка толали пахтаси билан муносиб улуш қўшдилар. Ингичка толали пахтани кўпайтириш истиқболлари ҳақида шу район партия комитетининг биринчи секретари Чори Алматов мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Районимиз ипак пахта ижодкорлари бу йил она-Ватанга 48.000 тонна қимматбаҳо хом ашё етказиб бериб, ўзларининг шарафли бурчларини аъло даражада адо этдилар. Районимиз бўйича ингичка толали пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 38 центнерга етди. «Қизил Октябрь» колхози миришкорлари ҳосилдорликни 45 центнерга кўтариб, социалистик мусобақада ғолибликни эгалладилар. «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози, «Москва» колхозида гектаридан 42—44,5 центнердан хирмон кўтарилди.

Энди ингичка толали пахта теримини машиналаштириш масаласига кўз ташлайлик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ғамхўрлиги ва ташаббуси билан кейинги йилларда ипак пахтани терадиган машиналарнинг янги серунум хиллари яратилди, колхоз ва совхозларга тобора кўпроқ жўнатилмоқда. Маҳаллий партия ташкилотлари уларни моҳирлик билан бошқаришга қодир механизатор кадрлар тайёрлашни кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Эндиликда ингичка толали пахта тайёрлаш нечоғли шаҳдам кўпайтираётган бўлса, теримни комплекс механизациялаш ҳам шунчалик кучайтириляпти. Масалан, бизнинг районимиз бўйича бу йилги қийин об-ҳаво шароитида тайёрланган ялпи пахтанинг 60 процентига яқини «зангори кема»ларда териб олинди.

Шу ўринда бир муҳим масалага эътиборни қаратишни истардим. Қайси колхоз, совхоз, бўлим, бригадада теримни комплекс механизациялашга жиддий эътибор берилган бўлса, ўша хўжаликларда давлат пахта тайёрлаш плани, социалистик мажбурият ҳаммадан олдин бажарилди. Пахтанинг сорти юқори бўлди, таннархи арзонлашди. Катта маблағ иқтисод қилинди. Бир сўз билан айтганда, «Тошкент технологияси»ни ингичка толали пахта етиштирувчи хўжаликларда ҳам тўла қўллаш мумкин ва лозим деган фикрга келдик.

Масалан, машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳасан Мухторов бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 70 центнердан ингичка толали пахта хирмони кўтардилар. Бу муваффақиятнинг сири нимада? Айтиш мумкинки, бунда бирор маҳфий сир йўқ. Гап шундаки, бригадада ғўза баргини сунъий усулда тўкиш энг яхши агротехника муддатида, қисқа фурсатда ўтказилди. Пайкаллар созланиб, машиналарнинг тўхтовсиз ишлашига мослаштирилди. Кўсакларнинг 65—70 проценти очилиши билан «зангори кема»лар ишга солинди. Бригада бир ҳафта ичида йиллик пахта тайёрлаш планини, кейинчалик юксак социалистик мажбуриятини ҳам бажарди.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Тошбой Ҳўжамуротов бригадасида терим техникаси муддатидан олдин мавсумга тайёрланди, ремонт ишлари сифатли бажарилди. Ҳар эҳтимолга қарши техника эҳтиёт қисмлари тайёрлаб қўйилди. Бригадирдан тортиб, механизаторларгача малака ошириш курсида ўқитилди. Дефолиация ўтказилгандан кейин ким қайси картанинг пахтасини машинада териши аниқ белгилаб олинди. Транспорт воситалари, ёрдамчи кучлар ҳам шунга мослаштирилди. Ташкилий ишлар намунали йўлга қўйилгач, терим кисқа фурсатда тугалланди. Бригада бўйича олинган ҳосил 61 центнерни ташкил этди. Абдугаффор Хўжаназаров бригадаси ҳақида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин.

Бу йил районимиз унумдор пахта далаларида 200 тадан ортиқ «зангори кема» ишлатилди. Ҳар бири билан ўртача 120 тоннадан пахта терилди. Илғор механик ҳайдовчиларимиз эса бункерлардан 350—400 тоннадан дурдона тўкди. Машиналар шарофати билан 234 та пахтачилик бригадасидан 203 таси план ва мажбуриятини бажарди.

Келтирилган фактлардан қувонамиз, албатта. Лекин кўнгил ғаплик тугдирадиган томони ҳам йўқ эмас. Илғор механик ҳайдовчилар 350—400 тоннадан пахта терганлари ҳолда нега айрим механик ҳайдовчилар ҳатто районнинг ўртача кўрсаткичига ҳам эриша олмади? Ёки уста пахтакорларимиздан Чори Мирзаев, Мирза Тўраевлар ҳар гектар ҳисобига 55—61 центнердан ингичка толали пахта ҳосили олганлар-у, 35—40 центнерлик маррасида депсиниб турганлар бор? Бизнингча, нисбатан паст ҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига кўтариш ялпи пахта миқдорини кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Район партия комитети ўз фаолиятида ана шуларни ҳисобга олиб, камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб амалий тадбирлар белгилаяпти.

Республика партия ва ҳукумати 1982 йилда пахтадан, хусусан ингичка толали пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун кузги шудгорлашни сифатли ўтказиш, агротехниканинг қишки тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Биз бунга жавобан 19 минг гектар пахта майдонини чуқур шудгорлаб бўлдик. Ҳар гектар ер ҳисобига белгиланган миқдорда минерал ва органик ўғитлар солинди. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши қаттиқ чоралар кўряпмиз. Бу ишларни сира сусайтирмаган ҳолда шўр ювиш, яҳоб бериш ишларини бутун чоралар билан кучайтирмоғимиз керак.

Мавжуд техника воситаларини кўклам ва ёзги ишларга сифатли қилиб тайёрлаш ҳам муҳим вазифаларимиздан биридир. Барча устахоналарда ремонт ишлари кучайтириляпти. Чорва қишловини соз ва бехатар ўтказиш, тўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда давлатга сотишни кучайтириш чоралари кўрилляпти. Қумқўрғон районининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келдилар, бундан кейин ҳам қўшаверадилар.



Хоразм области. 1981 йилда Янгиариқ районидаги «Москва» колхози меҳнаткашлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Улар барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича яхши натижага эришдилар. Хўжаликнинг чорвадорлари сут, гўшт, тухум етиштириш планини ҳам ортиғи билан бажардилар. Ҳозир улар қишловни муваффақиятли ўтказишяпти. Фермалар яхшилаб ремонт қилинган, иссиқ. Чорва моллерга берилаётган озуқалар ҳам хилма-хил. Сут соғувчилар ўз қарамоқларидаги сигирлар атрофида парвона. Хўжаликда яқинда ишга туширилган озуқа цехи фермаларни тўйимли озуқалар билан ўз вақтида таъминлаб турибди. Хўжаликда пешқадамлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Онабиби Салаева [чапдаги суратда] ва Норжон Қурёзова колхознинг энг яхши сут соғувчиларидир. Улар ўз қарамоқларидаги ҳар бир сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб олишди. Бу ўтган йилгидан 1,5 минг тонна кўпдир.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ДАСТЛАБКИ ГАЗЛАМА

ВОБКЕНТ (Бухоро области), 25 декабрь. (ЎзТАГ мухбири). Бугун Бухоро тўқимачилик комбинатининг Вобкентдаги филиалида дастлабки газлама тўқиб чиқарилди.

Зарафшон водийсининг қадимий қишлоқларидан бирида барпо этилган бу корхона ҳар йили 1,8 миллион метр харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлади. Тўқув фабрикасида 560 та серунум дастгоҳ ўрнатилди, барча монтаж ва қурилиш ишлари нормативда белгиланган муддатдан икки баравар тез бажарилди.

Чорвачилик — зарбдор фронт

МАҲСУЛДОРЛИК ОРТАДИ

Калинин номли колхоз Эллиққалъа районидаги йирик ва кўп тармоқли хўжаликлардан бири. Кейинги беш йилликлар даврида пахта, чорва маҳсулотлари, сабзавот, полиз, мева, узум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш кескин равишда кўпайди. План ва топшириқлар ҳар йили ошириб адо этилмоқда.

Пахтачилик учун оғир келган бу йилда колхоз заршуносларининг 1120 гектар майдонининг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватанга 5400 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердилар. Умумий ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғи «зангори кема»ларда териб олинди. Айни кунларда кузги-қишки ишларни намунали ўтказаётган колхоз аъзолари, механизаторлар беш йилликнинг иккинчи йилига тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Далаларга органик ўғит чиқаришда 56 тележка 27 автомашина юксак унум билан ишлатилаётир. Ҳар гектар ерга 25—30 тоннадан органик ўғит, тупроқ картограммасида белгиланган миқдорда минерал ўғитлар солиниб сифатли шудгор қилинаяпти. Ана шундан сўнг яхоб берилиб, шўр ювиляпти.

Чорвачилик колхозда етакчи тармоқлардан бири бўлиб қолди. Қорамолларнинг зотини яхшилаш ва мустаҳкам озуқа базаси яратиш ҳисобига чорва маҳсулотлари кўпайди. Бундан ташқари қорамоллар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор кучайтирилаётир. Колхоздаги 600 бош қорамолнинг 170 бошини соғин сигирлар ташкил қилади. Сут соғиб олишнинг миқдори ҳар йили 200—250 килограммга кўпаймоқда. Мунаввар Оллабергенова, Қурбонбика Жуманазова, Анор Бердиева, Қалам Обоева каби моҳир соғувчилар ўзларига биркитилган 14—16 сигирнинг ҳар биридан 3800-4000 килограммдан сут соғиб олдилар. Улар йил охиригача яна 250-400 килограммдан сут соғиб олиш мақсадида зардобларча меҳнат қилишяпти.

Гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг тириқ вазни 380—400 килограммга етказилмоқда. Шу кунгача эл дастурхонига 27 тонна гўшт, 320 тонна сут, 174 минг дона тухум топширилиб, юксак социалистик мажбурият ошириб адо этилди.

Колхозда гўшт етиштиришни янада кўпайтиришда мавжуд резервлардан оқилона фойдаланишга эришиляпти. Колхозда бир йўла 50 минг жўжа очадиган инкубатор ишлаб турибди. Яқин келажакда товуқларнинг сони 20 минг бошга етказилади. Бу йил 74 мингта жўжа очирилди. Унинг 18 мингтаси колхозчиларга сотилди. Шу билан бир қаторда қўшни колхоз ва совхозларга ҳам жўжа етказиб бериш планлаштирилган.

Колхоз правленеси, партия ташкилоти қорамоллар ва товуқлардан ташқари ўрдак, ғоз, курка боқишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор беряпти.

Чорва қишловига пухта ҳозирлик кўрилди. 400 бош қорамолга мўлжалланган қўра механизациялаштирилди. 250 бош қорамол ва 100 бош бузоққа мўлжалланган бостирмалар ремонтдан чиқарилди.

Колхоз меҳнаткашлари СССРнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини 50 центнерга етказиш, чорва маҳсулотларини янада кўпайтиришга бел боғлаганлар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Марказий статистика бошқармаси ахборотининг сатрларидан

ОЛДИНДА—ЯНГИ МАРРАЛАР

Мамлакат газ қазиб чиқарувчилари беш йилликнинг иккинчи йили бошланишини меҳнат туҳфалари билан кутиб олмоқдалар. Улар қимматли хом ашё қазиб олиш ва бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан давлат планини муддатидан илгари — 25 декабрь куни бажардилар. СССР Марказий статистика бошқармаси ана шуни хабар қилди.

Мамлакат халқ хўжалигига 458 миллиард кубометр газ етказиб берилди. Беш йилликнинг биринчи йилида газ қазиб олиш 30 миллиард кубометр кўпайди. Тармоқ меҳнаткашлари буни партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини рўёбга чиқариш ишига ўзлари қўшган конкрет ҳисса деб ҳисоблайдилар. ТАСС мухбирининг илтимосига кўра, **газ саноати министри В. А. Динков** тармоқ ишини такомиллаштириш резервлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Марказий статистика бошқармасининг ахборотидан бир неча сатр келтириб ўтаман. Лекин бу сатрлар замирида газчилар ва қурувчилар кўп минг кишилик коллективининг фидокорона меҳнати ётади. Улар ўзларининг бутун куч, билим ва тажрибаларини беш йилликнинг энг муҳим вазифаларидан бирини — мамлакатнинг энергия-энергетика комплексини ривожлантириш вазифасини ҳал қилишга бағишламоқдалар.

Ғарбий Сибирь корхоналарининг коллективлари бу вазифани ҳал этишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Бу ерда газ қазиб олишни тез ривожлантиришнинг кенг кўламдаги программаси катта миқёсда амалга оширилмоқда. «Тюменгазпром» бирлашмасининг, Оренбург газхимия комплексининг коллективлари йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Бу коллективлар пландан ташқари бир неча миллиард кубометр кўпроқ газ етказиб беришдан иборат қўшимча юксак мартани белгилаш имконини берди.

«Тюменгазпром» бирлашмасининг коллективи энг йирик Уренгой конини ўзлаштириши туфайли бу йил асосан газ қазиб чиқаришни кўпайтиришга эришилди. Бу ерда ўсиш 31,8 миллиард кубометрни ташкил этди. Бу эса 1980 йилдагидан 22 процент кўпдир.

Уренгой—Сибирь хазиналарини жадал ўзлаштиришнинг ёрқин намунасидир. Геологразведкачилар бу ерда газ запасларини аниқлаб, уларни тезкорлик билан фойдаланувчиларга топширдилар, ўзлари эса конларни аниқлашни давом эттирмоқдалар. Шу туфайли кўпгина вақт тежалди, пировард натижада эса бутун мамлакат экономикаси наф кўради.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида бундай деди: «Ғарбий Сибирда газ ва нефть қазиб чиқаришни, уларни мамлакатнинг Европа қисмига ташиб келтиришни ўн биринчи ва ҳатто ўн иккинчи беш йилликларнинг энергетика программаларидаги гоят муҳим бўғинларга айлантириш керак бўлади».

Беш йиллик мобайнида газ қазиб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтириш лозим. 65 та янги кон фойдаланиш учун топширилади. Сибирь илгаригидек, ҳозир ҳам диққат марказида туради. Бу ерда газ қазиб чиқариш ҳажми 2,3 баравар кўпаяди. 1981 йилдагина эмас, шу билан бирга беш йилликнинг шундан кейинги йилларида ҳам газ қазиб чиқариш Уренгой кони ҳисобига кўпайтирилади. 1985 йилнинг охирига бориб Уренгойда 250 миллиард кубометргача газ қазиб чиқариш кўзда тутилади. Етти йил муқаддам бутун тармоқ тахминан ўшанча хом ашё берган эди.

Меҳнаткашларнинг бу ўлкада Заполярьенинг энг оғир, абадий музлик шароитида ишлашларига тўғри келади. Йўллар, энергия билан таъминлаш объектлари, уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қуриш асосий проблемалардан биридир.

Бу ерда кўпгина иттифоқдош республикалардан келган қурувчилар тюменликларга катта ёрдам бермоқдалар. Турдош касб эгалари—йирик магистрал газ қувурларини ва улар учун ускуналар ишлаб чиқараётган заводлар билан ҳамкорлик қимматли хом ашё қазиб чиқаришни жадаллаштириш имконини бермоқда. Бу беш йилликда Уренгой районидан олтита янги катта газ қувурлари тортилади. Ана шундай ҳар бир газ қувури Ангара ва Енисей электростанцияларини биргаликда ҳосил қилаётган энергиядан кўпроқ энергияни ҳосил қилади. Шу боисдан қурувчилар эришган иш суръатлари оловкорларга халқ хўжалиги учун қимматли хом ашё етказиб беришни кўпайтириш имконини яратади.

(ТАСС).

Москва.

КАТТА МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» экспериментал базаси коллективи мамлакатимизнинг машҳур сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Анастасия Ивановна Чуднаяни меҳнатда эришган янги муваффақияти билан қутлади. У ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили учун ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажардим. У ўз боқимидаги 172 сигирнинг ҳар биридан 5000 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлди.

Машинада сут соғиш устаси бўлган донгдор чорвадор маҳсулот таннархининг жуда арзон бўлишига эришди. Ҳар бир центнер маҳсулот учун 14 сўм ўрнига 11 сўм 50 тийин сарф қилинди.

Анастасия Ивановна янги йилда ўзи эришган муваффақиятни тағин ҳам яхшилашга қарор қилди. У 1982 йилда ҳар бир сигирдан 5100 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилди.

Донгдор сут соғувчининг шогирди Эмина Суюнова ҳам ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида катта муваффақиятга эришди. У 120 бош сигирнинг ҳар биридан тўрт минг килограммдан сут соғиб олди. Эмина Суюнованинг ўғли Риза Суюнов ҳам илғор сут соғувчилардан орқада қолмади. Уз қарамоғидаги 120 сигирнинг ҳар биридан энг кўп сут соғиб олишга эришди.

УНИВЕРСИТЕТЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Республика корхоналари ва қурилишларида, муассасаларида, колхоз ва совхозларида, клублар ва маданият саройларида, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида 2400 га яқин халқ университети ишлаб турибди. Халқ университетлари сиёсий ва илмий билимларни кенг халқ оммасига етказиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини тушунтириб бермоқда.

28 декабрь куни Тошкентда халқ университетлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи республика кенгашининг мажлиси бўлди. Педагогика билимлари халқ университетларининг ёш авлодни марксизм-ленинизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга оид фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича республикамизда олиб борилаётган амалий ишлар кўриб чиқилди. Ангрен шаҳар халқ университетларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги тажрибасини ёйиш, Сирдарё область халқ университетларини кенгашининг КПСС XXVI съезди қарорларини пропаганда қилиш соҳасидаги фаолияти масалалари муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).


Белоруссия ССР ҳафталиги

ЯШНАЁТГАН ЎЛКА

Кеча республикамизда ўтказилаётган «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта»нинг саккизинчи ҳафталиги бошланди. У Белоруссия Совет Социалистик Республикасига бағишланади. Республикамиз меҳнаткашлари бу ҳафталикда қардош республика шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар

Маълумки, Белоруссия ССР мамлакатимиздаги йирик республикалардан бири. У Совет ҳокимияти йилларида гуллаб-яшнаган республикага айланди. Бу ерда саноатнинг юзлаб комплекслари барпо этилди. Кўплаб янги тармоқлар пайдо бўлиб, уларда жаҳондаги энг яхши маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Белоруссия ССРнинг 50 йиллиги номли Полоцк химия комбинати ана шундай корхоналардан биридир. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакат қишлоқ хўжалигида муҳим роль ўйнайди. Суратда: Полоцк химия комбинатининг кўриниши.

ТАСС—ЎзТАГ фотоси.



ПАРТИЯ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

ҲАРАКАТИМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ПРОГРАММАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ КОММУНИСТЛАР, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ КУЧ-ҒАЙРАТИНИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1981 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КУРАШГА САФАРБАР ЭТМОҚДАЛАР

Коммунистлар, барча меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шу Пленумда сўзлаган ёрқин, илҳомбахш нутқида баён этилган йўл-йўриқларни ҳаракатнинг жанговар программаси сифатида қабул қилдилар. Пленум қарорлари, Леонид Ильич йўл-йўриқлари ва тавсияларидан келиб чиқадиган вазифалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида, область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида, министрлик ва идораларнинг коллегияларида, халқ депутатлари Советлари, жамоат ташкилотларида атрофлича муҳокама қилинди.

Партия комитетлари Пленум якунлари юзасидан қабул қилинган қарорларда асосий эътиборни халқ хўжалигида партия раҳбарлигини такомиллаштириш, раҳбар кадрларда уларга топширилган ишнинг аҳволи учун шахсий масъулиятни ошириш ва ижрони назорат қилишни кучайтириш, хўжалик юритишнинг янги форма ва методларини жорий этишни тезлаштириш, озиқ-овқат программасининг ҳал этилишига республика қўшадиган ҳиссани кўпайтириш масалаларига қаратдилар. Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари ҳам қараб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини бажариш учун кураш, энг аввало, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш, унинг биринчи йилини зарбдор меҳнат билан якунлаш учун социалистик мусобақа тобора авж олиб кетганлигида яққол намоён бўлмоқда. Саноат корхоналари ўн бир ойда ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда маҳсулот ишлаб чиқаришни беш ўрнига 6,1 процент оширишга муваффақ бўлдилар. Планга қўшимча 209 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 3,2 процент ошди. Жиззах, Қашқадарё, Наманган областларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш республикадаги ўртача суръатдан бирмунча тезроқ ўсиб бормоқда. Бу областларда ана шу кўрсаткич 11—13 процентни ташкил этди. Олий категориядаги маҳсулот ҳажми ҳам планда белгиланганидан анча жадал суръатда ўсиб бормоқда.

Шу йилнинг ўтган ўн бир ойида 90 та саноат корхонаси планни уддалай олмади. Партия комитетлари улардаги ишнинг аҳволини қунт билан таҳлил қилиб чиқмоқдалар, қолоқлик сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш учун қатъият билан иш олиб бормоқдалар.

Партия комитетлари капитал қурилишда меҳнат қилаётган коммунистлар олдига ишга туширилаётган объектларни ҳеч сўзсиз фойдаланишга топшириш учун кучва воситаларни мана шу объектларга жамлаш вазифасини қўймоқда.

Қишлоқ коммунистлари, пахтакорлар, чорвадорлар, боғбонлар хўжалик йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Мураккаб об-ҳаво шароитида мамлакатга 6 миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Ғалла, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, каноп ва бошқа маҳсулотлар харид қилиш планлари анча ортиғи билан бажарилди. Чорвачиликнинг ривожланиш суръати ошди. Гўшт, сут, тухум топшириш ўтган йилнинг шу муддатидагидан 7—8 процент юқори бўлмоқда.

Халқ депутатлари Советлари ўз сессияларида 1982 йил планларини тасдиқладилар. Эндиликда халқ хўжалик планларини меҳнат коллективларига етказиш иши тугалланай деб қолди. Айни пайтда бу иш министрликлар ва идоралар йўли билан ҳам олиб борилди. Корхона ва ташкилотларда хўжалик ҳисоби кенг жорий этилмоқда, партнома мусобақалари яхшиланиб, меҳнат интизоми мустаҳкамланмоқда. Моддий ресурсларни тежамли сарфлаш, чиқитлардан тобора тўла фойдаланиш учун корхона ва ташкилот раҳбарларига талабчанлик кучайтирилмоқда. План, молия, банк органлари иш савиясини кўтармоқдалар, Партия комитетларининг пленумлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг программ нутқида баён этилган йўл-йўриқлар асосида корхона ва ташкилотлар, транспорт, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалигида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотлари олдига конкрет вазифалар қўймоқдалар, экономикани янада интенсивлаштиришнинг энг оқилона йўлларини қунт билан изламоқдалар.

Тошкент область партия комитетининг пленуми қўл кучи талаб қиладиган ишлаб чиқариш жараёнларини, қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишини яхшилашнинг комплекс тадбирларини муҳокама қилди. Ҳозирда область саноат корхоналаридаги жами ишчиларнинг ярмиси унумсиз меҳнат жараёнларида банд эканлигини ҳисобга олсак, бу тадбирнинг қанчалик муҳим эканлиги яққол намоён бўлади. Жиззах область партия комитетининг пленуми план топшириқлари ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда социалистик мусобақанинг ролини ошириш тадбирларини белгилади. Самарқанд область партия комитетининг пленуми эса саноат корхоналарини реконструкциялаш ва асбобускуналарни янгилаш масалаларига катта эътибор берди. Андижон область партия комитетининг пленуми коммунистларни қолоқ коллективлар, участкалар, бригадаларни ўпирилишдан олиб чиқишга бутун куч-ғайратни сарфлашга даъват этди.

Бугунги кунда республика партия ташкилотларининг асосий эътибори йиллик ва, умумян, беш йиллик планларни муваффақиятли бажаришга қаратилмоқда. Улар омманинг ижодкорлиги туфайли вужудга келган ҳамма янги илғор нарсаларни қатъият билан пропаганда қилмоқдалар, коммунистлар ҳамма ерда социалистик мусобақанинг актив иштирокчилари бўлиб майдонга чиқишлари, иш сифатини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжаликни юритишнинг интенсив методларини жорий этиш ишининг жонкуяр етакчилари бўлиб майдонга чиқишларини таъминламоқдалар. Бу ҳар бир жабҳада, хўжаликни юритишнинг ҳамма соҳаларида муваффақият келтирмоқда.

ЖОНАЖОН ВАТАН БУЙЛАБ

● ДОНЕЦК

Бройлер етиштириш билан машғул бўлган Амросиевск паррандачилик фабрикаси кўп миқдорда ўрдак гўшти етказиб бера бошлади. Бу ерда ўрдак етиштириш чоғида анъанавий кўлҳовузлардан фойдаланилмайди, Парранда банк кредити ҳисобига қурилган иссиқ биноларда ва майдончаларда боқилади. «Донецкптицепром»га қарашли кўпгина корхоналарнинг ходимлари ана шу коллективдан ибрат олдилар. Энди бу ерда йилига тўрт миллионтадан кўпроқ ўрдак етиштирилмоқда.

● ЛЕНИНГРАД

«Ленторбитранс» бошқармасидан Владимир Чупаров бошлиқ бригада ҳайдовчилари машиналар сонини камайтириб, юк ташиш ҳажмини кўпайтирдилар. Меҳнатнинг бир наряд асосида ташкил этилганлиги транспорт конвейерини интенсивлашга ёрдам берди. Ишнинг бригада методи жорий этилганлиги натижасида шоферлар тонна-километр сингари кўрсаткичдан воз кечдилар. Бу эса машиналар капитал ремонтсиз қатновини кўпайтириш, ёқилғини анча тежашга эришиш имконини берди.

● ОДЕССА

Тарутино районидаги Березено қишлоғида Қора денгиз бўйида энг йирик бўлган матлубот кооперациясининг улгуржи савдо комплекси ишга тушди. Бу комплекс областнинг жанубий зонасидаги уч юздан кўпроқ аҳоли пунктига хизмат қилиш учун мўлжалланган. Янги корхона колхозчиларнинг ёрдамчи хўжаликларидан дастлабки бир неча тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё қабул қилиб олди. Шу беш йилликда областдаги барча районларда харид қилинган маҳсулотни қабул қилиш, асраш ва қайта ишлаш учун яхши жиҳозланган пунктлар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

● БАРНАУЛ

Ўлка марказида ўн минг номерли автомат телефон станция ишга тушади. Алоқачилар объектни фойдаланиш учун топшириб, шу йилги социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. (ТАСС).

«ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ» АМАЛДА

МУСОБАҚАДОШЛАР

Автокорхонада иш кунининг қачон бошланиб, қачон тамом бўлишини айтиб бериш қийин. Узоқ рейсларга кетган юк машиналари ярим тунда қайтади. Эрталаб соат 4—5 бўлмасдан эса яна моторлар гуриллай бошлайди. Чунки, шоферларнинг бирови тонг саҳардан нон заводига, иккинчиси сут заводига, бошқалари эса эрталабки почтани етказиб келиш учун тегишли манзилларга етиб боришлари керак. 9 дан ошганда эса йирик автокорхона территориясида керакли одамларни топишингиз қийин. 234 та турли машинага, 300 га яқин шофер ва мутахассисга эга бўлган коллектив бу пайтда нафақат Гулистон шаҳри, балки бутун область ҳаётига сингиб кетади. Ҳар куни 100 дан ортиқ турли-туман буюртмалар оладиган корхона шоферлари ўз олдиларида турган вазифаларни шараф билан адо этиш учун турли йўллар, турли масофаларда шиддат билан олга интилаётган бўладилар.

Ҳар сафаргидай бугун ҳам Рустам ҳали тун пардасини ёрмасдан ишхонасига кириб келганида, моторни ўт олдириб, унинг қизишини кутиб турган Неъмат Алимовга кўзи тушди.

— Салом, Неъмат ака! — самимият билан қўлини чўзди Рустам. — Олис сафарга шайланяпсизми дейман?

— Худди шундай, — деди у йигитнинг қўлини қисар экан. — Ўзинг қалайсан, ука! Бўш келмаяпсанми?

— Хозирча йўқ. Биласиз-ку, бизларга ортда қолиш ярашмайди.

— Ой охирлаяпти. Ғайрат қилмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Хозирча натижалар ёмон эмаску-я, лекин бундан ҳам яхши ишласа бўлади. Шуларни ўйлаб, вақтлироқ йўлга чиқай деб турибман. Хўш, Рустамбек, ҳозир қайси участкадасан?

— Йўл қуряпмиз, — жавоб қилди йигит. — Бизда ҳам қанча тезроқ ҳаракат қилсанг — шунча яхши дейишади. Чунки йўлни тезроқ битказиш учун кўпроқ қум, шағал, бошқа материаллар керак. Биласизку, мажбуриятни катта олиб қўйганмиз. Эндиги ҳаракатлар шунга яраша бўлиши керак-да.

— Ўн бир ойлик планларинг қандай бўлди? — қизиқди Неъмат Алимов.

— 157,2 процент, — Алимов жилмайиб қўйди.

— Мендан ўндан бир процент ўтибсан. Тонна-километринг-чи?

— Бир юзу эллик олти.

Буни эшитгач, Алимов жим бўлиб қолди. Чунки ёш дўсти бу соҳадаям бир оз олдинда эди.

... Ўн бешларнинг ватанпарварлик ташаббуси бошланганда, автокорхона коллективидан бирин-кетин тўққиз нафар азамат ҳайдовчи ана шу ҳаракатга қўшилиб майдонга чиқди. Одамлар ҳар хил эмасми, коллектив орасида юксак маррани кўзлаган баъзи шоферларга нисбатан: «Эплай олармикан!» дея шубҳаланганлар ҳам топилди. Лекин Неъмат Алимов, Рустам Азмеев, Геннадий Ворокута каби тажрибали, кўпни кўрган кишилар ҳақида гап кетганда, шубҳаланадиган бирор киши топилмади. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки, уларнинг номларини бутун шаҳар билади, кўп йиллик ҳалол меҳнатда орттирган шуҳратларига кўпчилик тан беради.

Агар Неъмат Алимовнинг 30-автокорхона коллективига келиб қўшилганига 15 йил бўлса, Рустам Азмеевнинг бу ердаги иш стажи 9 йилдан ошмоқда. Новчадан келган, самимий чеҳрали, чаққон, ҳаракатчан йигитнинг номи сўнгги йилларда тилга тушиб қолди. Малакаси ўсди, коллектив ҳаётига актив аралашди, ўз тенгқурларини ортда қолдириб кетди. Сўнгра эса ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, «Ўн бешлар ташаббусига қўшилишга қатъий қарор қилди.

Сўз бердингми — бажар! Рустам ўз ваъдасининг устидан чиқиш учун катта куч ва тажриба, қолаверса, мустаҳкам ирода кераклигини яхши тушуна бошлади. Ташаббускорларнинг бажараётган ишлари, ҳайдаётган машиналари турлича. Масалан, Неъмат Алимов Янгиер шаҳридан Ургутга суюлтирилган газ тўлдирилган баллонларни ташийди. У машинасига прицеп тиркаб, планни бир ярим-икки баравар бажаришга киришди. Областнинг кўпикдаги пунктларидан пахта тозалаш заводларига хом ашё ташиётган Маматқул Тўрабеков ҳам ўз мажбуриятини бажаришда шу усулдан фойдаланмоқда. Тажрибали шофер Геннадий Ворокута қулай йўлни топиб олди. У «Целинник» совхозида қурилаётган паррандачилик фабрикасидаги иншоотга Тошкент областининг «Юбилейний» заводидан темир-бетон буюмлари етказиб турибди. Белгиланган иш планига кўра, Геннадий бир кунда 13 тонналн юк билан ана шу икки объект оралиғидаги масофанинг бир тарафини босиб ўтиши керак. Бошқача айтганда, 13 тонна юк билан бир кунда 130 километр йўлни босиб ўтиши лозим. Зиммасига катта мажбурият олгандан сўнг у бир кунда 17 тонналик юк билан 320 километр масофани босиб ўтмоқда.

Лекин Рустам бажараётган иш характери, шароити бошқача. У биринчидан, машинасига прицеп тиркаб ишлаш имкониятига эга эмас. Шароит йўл қўймайди. Қатнаб турадиган масофаси ҳам 5—10 километрни ташкил этади, холос. Шунинг учун у, энг аввало, вақтдан ютиш, машинанинг кундалик техник қарови вақтини 2—3 баравар қисқартириши ҳисобига меҳнатдаги ютуқларини бир ярим-икки бараварга кўпайтириши мумкин.

Сирдарё областидаги йирик ва илғор транспорт ташкилотларидан бири бўлган 30-автокорхона директори Т. Давроновнинг таъкидлашича, ташаббускорларнинг ютуқлари, тажрибаларини оммалаштириш йўлида кўп иш қилинмоқда. Жумладан, уларнинг ойлик ҳамда квартал да эришган меҳнат якунларига бағишланган махсус варақалар чиқарилади. Ҳар бир ташаббускорнинг муваффақияти ўз вақтида бутун коллективга маълум қилиб турилади. Корхона шуҳратини ошириш учун курашаётган шоферларнинг бўш вақтларидан фойдаланиб, улар корхона дирекцияси, партия, касаба союз ташкилоти томонидан давра столи атрофига таклиф қилинадилар. Бундай дўстона, очиқ суҳбатлар пайтида улар ўзаро тажриба алмашадилар, ишлари тўғрисида бир-бирларига ахборот берадилар, корхона маъмурияти, партия, касаба союз ташкилоти раҳбарлари олдига зарур масалаларни қўядилар.

Ташаббускорлар ибрати мисолида бошқаларни тарбиялаш, ўзаро мусобақанинг оммавийлиги, ошкоралиги ва конкретлигини таъминлаш яхши самара бермоқда. Автомобиль корхонасида планлар ортиғи билан бажарилаётир. Жумладан, халқ хўжалиги юкларини ташиш бўйича ўн бир ойлик план 102,6 процент қилиб адо этилди. Шунингдек, юк оборотн, автопаркдан фойдаланиш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Эндиликда Гулистон шаҳридаги 30-автокорхона коллективи эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги довонларни забт этиш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш йўлида астойдил иш олиб бормоқда. Корхона ташаббускорлари эса ҳар қачонгидай катта курашнинг олдинги сафларида боришмоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОНВЕЙЕРДА ЯНГИ ГЕРБИЦИД

Навоий электрохимия заводи кимёгарлари СССР 60 йиллиги шарафига бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб ишлаб, янги йилга ажойиб меҳнат армуғони билан келдилар. Корхонада бегона ўтларга қарши қўлланиладиган 1,5 миллион тоннадан кўпроқ катаран гербициди тайёрлаб жўнатилди. Бу, планда кўзда тутилгандан анча зиёддир. Шу билан бир қаторда кимёгарлар гербицидлар турига мансуб янги прометрин препаратини ҳам кенг кўламда тайёрлаш технологиясини йўлга қўйишди.

Янги йил нафаси ўлкамизда кезиб турган шу кунларда электрохимия заводи ишчилари ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Корхона ишлаб чиқариш конвейерларидан катаранлар оиласининг энг кенжа авлоди — диурон гербициди тайёрлашга киришилди. Уни ҳосил қилиш технологияси Менделеев номли Москва химия технология институти олимлари томонидан яратилган бўлиб, ўтмишдошларидан чидамлилиги, ерда икки йилгача ўз кучини сақлаб қолиши, пахтачиликдан ташқари боғлар, узумзорлар ва цитрус плантацияларини ҳам бегона ўт-алафлардан халос этишда қўлланаверириши мумкинлиги билан ажралиб туради. 1982 йилнинг баҳорги экиш-тикиш мавсумигача республикамиз деҳқонлари диурон препаратини ола бошлайдилар.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БАҲОРГИ ИШЛАР ҚИШДА БАЖАРИЛМОҚДА

Илиқ ҳаво бўкалик механизаторларнинг одатда баҳорда амалга ошириладиган ишларни қишда бажаришларига имкон берди. Далаларга 150 та планировщик ва грейдер олиб чиқилди. Машиналар ерларнинг ҳайдаладиган қисмини текисламоқда. Баҳорда деҳқончилар бу ерларни бороналайдилар, холос. «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», «Партия XIX съезди» колхозларининг механизаторлари ерларни текислашда юқори унум билан ишламоқдалар. Бўка райони хўжаликларида чигит экиладиган 28 минг гектар майдонда ерлар текисланади.

(ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНСИН

Газетамизнинг шу йил 3 декабрь сонидаги «Халқ контроли саҳифаси»да ана шундай сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри А. Ф. Гаврилов имзоси билан юборилган жавобда айтилишича, мақола ва республика Халқ контроли комитетининг шаҳарларда ҳамда шаҳарлараро қатнайдиган автобуслар ишида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақидаги материали министрлик коллегиясининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинган. Бошқармалар, трестлар ва автокорхоналар раҳбарлари иштирокида ўтказилган бу мажлисда мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилган.

Министрлик аҳолига трансport хизмати кўрсатишни яхшилаш, маршрутларга чиқариладиган автобусларни кўпайтириш, қайдовчилар томонидан молия ва транспорт интизомининг бузилишига барҳам бериш, автобуслардан фойдаланишни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилади. Автобус қатновини қонқарли ташкил этмаганликлари, уларнинг техник ҳолати талаб даражасида бўлишини таъминламаганликлари, назорат ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги учун «Главташпассавтотранс», Тошкентдаги 2519-авколонна, 7-автопарк, шаҳарлараро йўловчилар ташиш Тошкент область автопарки, Жиззах область автотрести ва Жиззах автобус-таксомотор парки раҳбарлари тегишлича жазоландилар.



Сурхондарё области. Термиз дарё порти докерлари 1981 йилда самарали меҳнат қилдилар. Портчилар бу ерга жаҳоннинг 18 мамлакатидан транзит товарлар келтиришяпти. Совет Иттифоқи маҳсулотларининг кўпчилик қисми Афғонистон Демократик Республикасига жўнатиляпти. Бу қишлоқ хўжалик машиналари, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлардир. Суратда: Термиз дарё портининг илғор докерларидан Игорь Дрозденко, Насрулло Бобоназаров ва Виктор Шепилов.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПОТЕНЦИАЛИ

КПСС XXVI съезди ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни 80-йиллар ва ўн биринчи беш йилликнинг актуал халқ хўжалиги проблемаларидан бири қилиб қўйди. Халқ хўжалигини асосан интенсив омиллар негизида ривожлантиришга эришмоқ учун, ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, **«Совет халқи вужудга келтирган ғоят катта потенциал омилкорлик, тўла самара билан фойдаланилмоғи керак».**

70-йилларда халқ хўжалигининг янги босқичга кўтарилиши, ишлаб чиқариш потенциалининг ўсиши СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларини белгилашда мусаҳкам замин бўлди. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати, кучли ишлаб чиқариш потенциали, фан-техника ютуқлари, малакали инженер-техник ходимлари ва мутахассислари ўн биринчи беш йилликда совет кишилари турмуш даражасини, моддий ва маънавий фаровонлигини ошириб боришнинг мустаҳкам моддий базасидир. 80-йилларда амалга оширилиши лозим бўлган актуал халқ хўжалик проблемаларини муваффақиятли ҳал қилишнинг асосий омилидир.

Шундай экан, ишлаб чиқариш потенциалидан самарали, омилкорлик билан фойдаланишнинг қандай йўллари мавжуд, деган савол туғилади. Аввало шуни таъкидлаш зарурки, ўн биринчи беш йилликда ва умуман саксоничи йиллар давомида мамлакатимиз экономикасини юксалтиришни асосан интенсив омиллар негизида ривожлантиришга эришиш лозим бўлади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсив омиллар воситасида ривожлантириш ўзидан-ўзи амалга ошмайди. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш, халқ хўжалигини интенсивлаштириш вазифасини қўяр экан, буларни амалга оширувчи воситаларни, хусусан, бошқариш ва планлаштиришни янада такомиллаштириш, иқтисодий рағбатлантириш ва хўжалик юритиш усулларини янада мукаммаллаштириш чораларини белгилаб берди. Ваҳолонки, ўтган йилларда планлаштириш ва бошқариш механизми; хўжаликни юритиш методлари, меҳнат ва ижрочилик интизоми ҳозирги замон талабларига жавоб бермай қолганди. Бу ҳол, ўз навбатида, халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни анча қийинлаштирганди.

Халқ хўжалигида ишлаб чиқариш қувватларининг кенгайиши ва ошиши капитал маблағлар ҳажми билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистонда тўққизинчи беш йилликда 18,5 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилган бўлса, ўнинчи беш йилликда салкам 25 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Ўн биринчи беш йилликда 34 миллиард сўм ўзлаштирилиши керак. Республикамизда қурилиш миқёслари ҳеч қачон бу қадар кенг тус олмаган эди.

Ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ фойдаланиш кўп жиҳатдан мавжуд ишлаб чиқариш фондлари қандай даражада ишлатилишига, ҳом ашё, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан тежаб, оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишнинг муҳим йўли корхона ва бирлашмалардаги мавжуд станок ва машиналарнинг иш коэффициентини оширишдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар ихтиёрида бўлган барча машина ва механизмлар, станок ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари тўла куч билан ишлатилиши зарур ва ҳар бир меҳнатчи унумли ишлаши керак.

Республикамизда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш борасида кўплаб корхоналар ва саноат бирлашмаларида диққатга сазовор ишлар қилинмоқда, бирмунча илғор тажриба қўлга киритилган. Масалан, Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўнинчи беш йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари яна икки миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот берди Айниқса «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасининг асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланаётганлиги таҳсинга сазовор. Ўнинчи беш йилликда бу бирлашма маҳсулот ишлаб чиқаришни 17 миллион сўмга кўпайтирди ва бунинг ҳаммасига фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришди.

Ишлаб чиқариш потенциалидан В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, электрон-техника заводида, Тошкент чинни заводида ва бошқа кўплаб корхоналарда самарали ва оқилона фойдаланилмоқда. Кўмир қазиб чиқаришда, газ ва нефтни қайта ишлаш корхоналарида, қора ва рангли металлургия, пахта тозалаш ва бошқа саноат тармоқларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти мунтазам равишда ўсиб бормоқда.

Саноатнинг юраги ҳисобланган машинасозлик тармоғида ҳар бир станок ва механизмдан фойдаланиш коэффициенти алоҳида аҳамиятга эга. Ўнинчи беш йилликда республикамиз машинасозлигида смена коэффициенти ўртача 1,30 га тенг бўлди. Масалан, Самарқанд лифтозлик заводида бу кўрсаткич 1,51 бўлган бўлса, Тошкент трактор заводида — 1,36, «Андижанирмаш» заводида —1,20 га тенг бўлди. Бироқ, айрим корхоналарда бу кўрсаткич кўтарилиш ўрнига пасайиб кетди. Масалан, ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида металлга ишлов берувчи 744 та воситалардан 38 таси мутлақо ишлатилмаган.

Саноат тармоқларида кўплаб ишлатилмай қолаётган имкониятлар мавжуд. Масалан, ўнинчи беш йиллик мобайнида енгил саноат корхоналарида тўқув станокларининг пландан ортиқ туриб қолиш ҳоллари 4,7 миллион станок-соатни ташкил қилди, шойи-тўқув станокларининг ана шундай ишламасдан туриб қолиш вақти миқдори деярли 3 миллион станок-соатга тенгдир.

Совет халқининг меҳнати билан яратилган ғоят катта потенциалдан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг КПСС XXVI съезди белгилаган кенг программасини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Шуни назарда тутиб ҳамда КПСС Марказий Комитетининг шу масалага доир кўрсатмаларига амал қилиб, СССР Олий Совети Президиуми яқинда «Тежамкорлик режимини кучайтириш ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда, жумладан, бундай дейилади: **«Ҳар бир совет граждапининг ишлаб чиқаришда ва турмушда иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун курашда актив иштирок қилишига, ана шу умумхалқ ишига қўшадиган конкрет ҳиссасини кўпайтиришга эришилсин, хўжасизлик ва исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик вазияти вужудга келтирилсин».**

Мазкур қарор муносабати билан қуйидаги мисолни келтириш ўринлидир. СССР бўйича металлни қайта ишлашдаги исрофгарчилик ва чиқиндиларнинг ярмини қисқартиришнинг ўзи қора металлар тайёр прокати ишлаб чиқаришни 10 процент кўпайтириш билан баробардир.

Ҳозирги вақтда қазиб чиқариш саноати тармоқларида фойдаланилаётган имкониятлар кўп. Бутун халқ хўжалигининг муваффақиятлари кўп жиҳатдан қазиб чиқариш саноати тармоқларининг самарадорлигини оширишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фойдали қазилмаларни комплекс ҳолда чуқур қайта ишлаш, иккиламчи ресурсларни тобора кенгроқ қўлланиш — ана шунга олиб борадиган йўлдир.

Мамлакатимизда чиқадиган қазилма бойликларни кўпайтириш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш вазифалари нақадар актуал ва муҳимлиги тўғрисида гапириб, ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди: **«Ана шу бойликлардан тўғри, тежаб-тергаб фойдаланиш учун бизэ ҳозирги авлод олдидагина эмас, шу билан бирга келгуси авлодлар олдида ҳам жавобгармиз. Зотан, буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».**

Халқ хўжалигида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва самарали фойдаланишнинг ҳозирги вақтдаги муҳим шартларидан бири экономиканинг барча тармоқлари ва соҳаларида фан-техника тараққиёти ютуқларини собитқадамлик билан кенг кўламда жорий этиш ва амалда қўлланишдан иборатдир.



ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

ТАҚРИЗ

Ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг янги «Оқибат»[1] романи халқларимиз дўстлиги ва қардошлигининг тенгсиз самаралари, етмишинчи йиллар охирида бошланиб, давом этаётган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

Ҳаким ота ўғли Ҳамидни Новгородга жўнатиш олдидан унга оқ йўл тилаб, дейди: «Россия ҳашарга чақирибдими, боравер ўғлим, қарс икки қўлдан чиқади. Рус оғаларнинг ёрдами билан шунчалар бўлдик...». Маълумки, ҳашар бизда қариндош-уруғ, дўсту биродарларнинг бир-бирига ёрдами, бирор ишни бажаришда ўзаро ҳамкорлигидир. Ҳашар моҳияти жиҳатидан коммунистик меҳнатнинг бир кўриниши — шанбаликка ўхшайди. В. И. Ленин шанбаликларни коммунизм куртаклари, деб атаган эди. Шу ўринда Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатишни эслаб ўтиш жоиздир. Рус халқи бошчилигида барча совет халқлари Ўзбекистонга кўмакка келди, юртдошларимизнинг оғирини енгил қилди. Бугун эса халқимиз рус оғамизнинг дўстлик-биродарлик кўмагига меҳр-оқибат кўрсатишга отланди, Россиянинг ноқоратупроқ ерларини ўзлаштиришда мардлик кўрсатаётган пири-бадавлат ойла. Бобоси Қодир Мардонов фронтдан кўкси тўла орден билан қайтди. Отаси Олимжон ҳам уруш қатнашчиси. Олимжон Новгород ерларида меҳнат қилаётганда уруш қолдиқларига дуч келиб шикастланади. Элчи ана шу фидокор оиланинг меҳнат ва кураш анъаналарини давом эттираётган баҳодирлардан. Қурувчилар колоннасида механик бўлиб ишлаётган Элчи уруш давридан қолган бомбани одамларга зиён етказмаслиги учун бир ўзи портлатиб, техника юргизилаётган ерни хавф-хатардан ҳоли қилади. Унинг колоннаси очган ва ҳосил олинаётган ерларни қурилиш раҳбари Ҳамид Ҳакимович «Мардонов майдони» деб атайди.

Новгородда меҳнат қилаётган ўзбек мелиораторлари, қурувчилари олдида ботқоқ ерларни ўзлаштириш, оғир табиий шароитга бардош бериб ишлаш билан бирга, ўтган уруш қолдиқларини зарарсизлантириш вазифаси ҳам турар эди. Ўзлаштирилаётган ерлар махсус сапёрлар бригадаси ёрдамида мина, бомба ва бошқа портловчи моддалардан тозаланади. Бир жойга йиғиб портлатилган бомба садолари, ўзбекистонлик студентлар вақтинча жойлашган уруш даври ертўлалари, улар йиққан уруш қолдиқлари, Старая Руссадаги ўзбек жангчилари қабрлари тасвири орқали китобхон диққати астасекин жанг йиллари воқелигига йўналтирилади. Старая Руссадаги сув минораси билан боғлиқ воқеа баёни, айниқса, таъсирлидир.

Романдаги бу мўъжизакор кучда коммунистик партия раҳбарлиги мотивларини ҳам тасаввур этамиз. Партиянинг халқ фаровонлиги ҳақида гамхўрликдан бошқа манфаати йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ҳақиқатни адиб биринчи навбатда республика Коммунистик партияси Марказий Комитети секретари Розиқов образида ифодали таъкидлашга муваффақ бўлган.

Розиқов сиймосидаги халқпарварлик, одамийлик фазилатлари Ивановодаги иш боши Қудратов, Новгороддаги қурилиш саркори Ҳамид Ҳакимович фаолияти ва маънавиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Романда тасвирланган коммунист раҳбарлар образларидаги устун хусусият уларнинг ижтимоий фаолиятидир. Улар асосан ижтимоий шахс сифатида белгиланган. Ҳамид Ҳакимович камчиликларга лоқайд қарай олмайдиган, ишнинг истиқболини ўйлаб режалар тузадиган раҳбар. Шу хусусияти туфайли у Ийлдошев билан зиддиятга келиб қолади. Ивановодаги ишлар бошлиғи Қудратов ҳаётга ижодий таҳлил кўзи билан қаровчи принципиал, тартибузарларга шафқатсиз. У ҳатто катта мазмунни кичрайтириб ифодаловчи палех, деб аталган рус халқ санъатидан ҳам ўз раҳбарлик фаолиятига доир хулоса чиқара олади: кичик майдонда ҳам катта имконият борлигини палехликлардан ўрганишимиз керак, деб уқтиради. Романда обком секретари Кудимов, совхоз директори Сергеев ва бошқаларнинг образлари ҳам берилган.

Романда эпизодик образлар айниқса, жонли чиққан. Масалан, ўттизинчи йилларда Фарғонадан Ивановога келиб қолган Бой ота юлғичликка кучли нафрати, ҳақиқатгўйлиги билан чуқур маъноли образдир.

Роман композицияси икки область ерларида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлар манзарасини баравар кўрсатиш, кишилар орасидаги ўзаро алоқа — муносабатларни ифодалашга мувофиқлаштириб пухта қурилган. Умуман олганда ёзувчининг ноқоратупроқ ерларда бўлиб, аҳолининг ҳаёти ва тарихи, урф-одатлари, табиий шароити, иш жараёнига доир ижтимоий проблемалари чуқур ўрганганлигини алоҳида қайд этмоқ керак. Ҳақиқатан роман бой материалга эга. Маълумки, бадиий асарнинг таъсирчанлиги актуал мавзу ва ҳозиржавобликнинг ўзи билангина белгиланмайди. Романдаги материалларни бадиий умумлаштиришда баъзи ўринларда етишмовчилик ҳам кўзга ташланади. Ҳаётий ва сиёсий билимдонлик билан белгиланган айрим ижтимоий конфликтлар (масалан, Ийлдошев ва Ҳамид Ҳакимовни ораларидаги қарама-қаршиликлар ва ҳоказо) қиёмига етказиб кескинлаштирилмаган. Шу туфайли баъзи коммунист раҳбарлар образларининг ижтимоий руҳияти уларнинг шахсий-маиший психологиясига нисбатан камроқ очилган.

Манзарали ахборотдан жонли тасвирга, ундан рисманаки чуқур руҳий таҳлилга — бадиий пафосга эришишнинг йўли шундан иборат. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ўз ижодида шунга интилиб келмоқда.

О. ТОҒАЕВ,
филология фанлари доктори.

[1] Оқибат. Роман. «Шарқ юлдузи» журнали, 1981 йил.

ЙИРИК ИНШООТ ҚУРИЛИШИДА

Тошкент областида Паркент канали қурилиши давом эттирилмоқда. Пойтахт областининг шимоли-шарқий қисмида бунёд этилаётган бу канал қурилиши муваффақиятли олиб борилляпти. У 24 минг гектар адир ерни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш имконини беради. Ҳозир 59-километрда иш олиб борилляпти. «Паркентводстрой» трести коллективи йирик иншоот қурилиши билан бирга адир ерларни комплекс ўзлаштириш ишларини ҳам олиб боришяпти. Ҳозиргача бу ерда 4 совхоз қурилди. Кўплаб уй-жойлар бунёд этилди. Келажакда бу ерда яна 9 совхоз фойдаланишга топширилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ адир ерлар мева, сабзавот беряпти. Суратларда: 1. Паркент каналининг бош иншооти кўриниши. 2. «Паркентводстрой» трести мастери Ю. Кузнецов (чапдан) экскаватор машинисти В. Алексеев ва машинист ёрдамчиси К. Бакиров сменада бажарилаётган иш ҳажмини белгилашяпти.

Р. Нуриддинов фотоси.
(ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

Ангрендаги керамика комбинатида янги цех ишга туширилди. Бу цехда йилига 1,8 миллион квадрат метр пардозлаш материали ишлаб чиқарилади. Цех муддатидан бир йил олдин фойдаланишга топширилди. «Узбекшахтострой» трести коллективи йирик темир-бетон конструкцияларини қўллаш методи билан объектни муддатидан илгари фойдаланишга топширди. Эндиликда Ангрен керамика комбинати маҳсулотлари Ўрта Осиё республикаларига, Болтиқ бўйи ва мамлакатимизнинг бошқа жойларига етказиб берилади.

* * *

Термиз яқинида Амударё орқали кўприк қурилишида дастлабки муваффақиятларга эришилди. Анатолий Лисенко бошлиқ бригада коллективи кўприкнинг еттинчи қаноатини монтажлаб бўлди. Қанот буюк дарёнинг жанубий, Афғонистон соҳилидан бошлаб йиғилди. Бу иш белгиланган муддатдан илгари — уч ҳафта ичида бажарилди. Энди монтажчилар кўприкнинг саккизинчи қаноатини ўрнатиш учун яна шимолий соҳилга ўтадилар. СССРнинг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган қурувчилар Совет Иттифоқи билан Афғонистонни боғлайдиган автомобиль ва темир йўл кўпригини 1982 йилнинг майида фойдаланишга топширадилар. Бу белгиланган муддатдан анча илгаридир.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Мен бошқараётган биринчи бўлим «Толлимаржон» совхозида энг йирик ва юқори ҳосилли ҳисобланади. Бўлимимиз ишчилари зиммага олинган социалистик мажбурият шартларини бажаришда чинакам садоқат билан меҳнат қилиб, социалистик мусобақанинг қудратли кучини амалда исбот қилдилар. Коллективимиз шу йил 18 октябрдаёқ областда биринчилар қатори пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Ўтган давр мобайнида мажбурият ҳисобига пахта сотиб, 444 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан ошириб қимматбаҳо ингичка толали пахта тайёрладик. Мажбуриятимизни ортиғи билан адо этдик.

Биз йил бошидан бери Нормўмин Жумаев бошлиқ илғор бўлим ишчилари билан мусобақалашиб иш тутдик. Ҳар иккала бўлим пахтакорлари чигит экиш, ғўза агротехникаси ва ҳосил йиғим-терими даврида бир-бирларининг ишини кўздан кечириб конкрет ёрдам ва амалий маслаҳатлар бериб турдилар. Бундай бегараз амалий ҳамкорлик ўз самарасини берди. Мусобақадош Н. Жумаев бошлиқ бўлим ишчилари ҳам 40 центнерлик марраздан ўзиб кетдилар. Кузги шудгор мўл ҳосил гарови эканлигини яхши билган бўлимимиз аъзолари шу кунларда далаларга минерал ва органик ўғитлар чиқариб, шудгорлашни 40—45 сантиметр чуқурликда сифатли ўтказмоқдалар.

Рўзи ҚУРБОНОВ,
Ангор районидаги «Толлимаржон» совхозининг бўлим бошқарувчиси.

Чет эллардa

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

АВТОМОБИЛСОЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Болгариянинг Шумен шаҳридаги «Мадара» автомобилсозлик комбинати конвейеридан 40 мингинчи «Газ-53А» юк автомобиллари чиқди. Корхона коллективи бу воқеани қарийб 15 йил муқаддам биринчи ана шундай автомобиль ишлаб чиқарилган кундагидек тантаналн нишонладн.

Комбинат «ГАЗ-51» ва «ЗИЛ-150» юк автомашиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқарадиган завод негизида барпо этилган. Бу завод Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган. Ҳозирги вақтда комбинат олтита заводни бирлаштирган бўлиб, Болгария автомобилсозлигининг энг катта маркази ҳисобланади. «Мадара» маҳсулотлари Европа, Осиё ва Африканинг 15 мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Комбинат коллективининг совет автомобилсозлари билан дўстлиги ва самарали ҳамкорлиги янада ривожланмоқда ва янги формалар билан бойимоқда. Комбинатда минскликлар мутахассисларнинг кўмаги билан ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси ишлаб чиқилди. Совет инженерлари кўприксозлик заводида конвейерларни тўла автоматлаштиришга ёрдам бердилар. Шумен автомобилсозлари Горькийдаги автозавод, ЗИЛ, КамАЗ коллективлари билан мустаҳкам алоқа боғлаганлар.

Яқин вақт ичида корхона 2,5 тонна юк кўтариш қувватига эга бўлган «Мадара-1300» биринчи Болгария юк автомобилининг ҳамда «Чавдар» тежамли микроавтобусининг янги моделини кўплаб ишлаб чиқаришга киришади.

А. СМИРНОВ.
(ТАСС).

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ПАП агентлигининг хабар қилишича, кўпгина поляк ишчилари рождество байрами кунларида ҳам меҳнат қилиш иштиёқини билдирдилар. Жумладан, узлуксиз ишлаб чиқариш циклига эга бўлган корхоналар, чунончи, мамлакатдаги энг катта Нова-Гутадаги В. И. Ленин номли металлургия комбинати нормал ишлаб турибди. Темирйўлчилар, автомобиль транспорти, коммунал хўжалик ходимлари зўр гайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда мамлакатдаги вазият умуман осойишта.

Матбуотнинг уқтириб ёзишича, чайқовчиликка қарши курашувчи марказий комиссия бу курашнинг ҳарбий ҳолат шароитларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилди. Бутун мамлакатда чайқовчиликка қарши курашувчи воевода ва маҳаллий комиссиялар ишлаб турибди. Граждан милицияси бош комендатурасининг маълумотларига кўра, 13 декабрдан 23 декабргача бутун мамлакатда чайқовчилик тўғрисидаги ишлар юзасидан 427 та дастлабки тергов бошланди. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари 38,5 миллион злотихлик чайқов молларини мусодара қилдилар ва харидорлардан яширib қўйилган маҳсулотлар ҳамда саноат молларини топиб олдилар.

ПАП агентлигининг хабарига кўра, «Земовит» шахтасидаги вазият нормал изга солинганидан кейин «Бирдамлик»даги қуролли газандалар «Пяст» деган бошқа бир шахтада мингдан ортиқ кончини эўравонлик билан ер остидан чиқармай турибдилар. Ҳарбий кенгашнинг шахтадаги вакили айтган гапга қараганда, қонунга мувофиқ, мана шу бемаъни ҳаракат учун жавобгарлик эўравонлик йўлига ўтган, эўларининг касбдош ўртоқларига жабр-зулм қилаётган кишилар зиммасига тушади.

«Трибуна работнича» газетаси яқинда топиб олинган ҳамда «Бирдамлик» билан «Мустақил Польша конфедерацияси»нинг муҳри босилган йўл-йўриқларни эълон қилди. Бу йўл-йўриқлар контрреволюцион гуруҳларнинг мамлакатдаги ҳокимиятни босиб олиш режаларидан яққол далолат беради.

«Мана шуларнинг ҳаммаси 15 декабргача шай қилиб қўйилиши керак», — дейилади ўша йўл-йўриқларда бирида. Ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши мана шу жиноий режаларга чек қўйди, деб таъкидлайди газета. (ТАСС).

Варшава.

ҲИНДИСТОН ИРРИГАТОРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ДЕҲЛИ, 28 декабрь. (ТАСС). 1985 йилда тугайдиган олтинчи беш йилликда Ҳиндистоннинг суғориладиган ерлари қарийб 14 миллион гектар миқдорида кўпаяди. Шу давр ичида ирригацияни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга 110 миллиард рупиядан ортиқ маблағ ажратилган, деди давлат ирригация министри З. Р. Ансари парламентда сўзлаган нутқида.

Ирригация соҳасидаги Совет — Ҳиндистон ҳамкорлиги самарали ривожланмоқда. Шу йилнинг бошларида Деҳлида имзоланган протокол каналлар, дамбалар ва тўғонлар қурилишида Совет Иттифоқининг ёрдам беришини назарда тутади.

ТУҲМАТ РАД ҚИЛИНДИ

КОБУЛ. Афғонистоннинг ҳарбий вертолётлари Покистоннинг осмон чегарасини «бузиб ўтди» деб тўқилган навбатдаги уйдирмаларни Афғонистон Демократик Республикаси қатъиян рад қилди.

АДР миллий мудофаа министрлигининг вакили Бахтар агентлигининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Исломобод ҳукмрон доиралари бир неча йил муқаддам гўё АДР ҳарбий ҳаво кучларининг 6 та вертолёти Покистоннинг осмон чегарасини бузиб ўтиб, «қочоқлар» деб аталган босмачиларнинг лагерларига хужум қилди, деган уйдирма гапларни яна тарқатдилар. Бундай бемаъни айбловлар ҳеч қандай реал асосга эга бўлмаган қалбакилик эканини эслатиб ўтишга зарурат йўқ. Покистон раҳбарлари Афғонистонга весъса билан ёлғон гапларни биринчи бор тўнкаётганлари йўқ».

Шу туҳматдан кузатилган мақсад Покистон ҳукуматининг иштироки билан АДР суверенитетига ва территориал бутунлигига қарши қилинаётган қабиҳ агрессия ҳаракатларини яширишдан иборат, деб уқтирди у.

ҚЎПОЛ ДЎҚ ВА ЗУҒУМ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Р. Рейган маъмуриятининг суверен Польша ҳукуматига қўпол дўқ ва зуғум қилиш юзасидан бошлаган кампаниясига НАТОдаги ўз иттифоқчиларини ҳам қўшиб олиш йўлидаги уринишлари наф бермаяпти.

Американинг Си-би-эс телекомпаниясининг уқтиришича, ПХРга нисбатан президент Р. Рейган эълон қилган камситувчилик чоралари хусусида Ғарбий Европадагиларнинг расмий мулоҳазасини «энг яхши деганда жуда совуқ деб атамоқ керак». ГФР, деб уқтиради Си-би-эс, Польшага қарши бирон-бир «жазо чораси» кўришдан бутунлай бош тортди, бошқа мамлакатлар ҳам бу масалада АҚШ билан ҳамкорлик қилиш истагида эмаслар. Иттифоқчиларга тазйиқ ўтказиш учун Ғарбий Европага юборилган АҚШ давлат секретарининг Европа ишлари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Л. Иглбергер, телекомпаниянинг қайд этишича, Британия, Франция ва Италия министрларига уларнинг мамлакатлари АҚШ намуносидан ибрат олиш керак, деган гапни уқтиришга уринганида, «жуда ҳадиксираш кайфиятида кутиб олинди.»

ОТТАВА. (ТАСС). Канада АҚШнинг Польша билан савдо-иқтисодий муносабатларни тўхтатиб қўйиш йўлига юрмоқчи эмас.

Балиқ хўжалиги ва денгиз ресурслари министрлигининг, шунингдек транспорт министрлигининг вакиллари Польшанинг балиқ овлаш кемалари Канада сувларида аввалгидек ов қилаверишлари, Польшанинг ЛОТ авиацияси самолётлари Канадага сафар қилаверишлари мумкинлигини айтдилар. Экспортни ривожлантириш давлат корпорациясининг вакили шуни маълум қилдики, бу корпорация Польша билан савдо-сотиқни ривожлантиришга бундан буён ҳам мадад бераверади, шу мамлакатга молиявий ёрдамни кўпайтириш тўғрисидаги ҳар қандай илтимосни кўриб чиқишга тайёр.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **ХАНОЙ.** Вьетнам касаба союзлари мамлакатнинг корхоналари ва қурилишларида ишлаб чиқаришни рационализация қилиш ва резервларни қидириб топиш ҳаракатининг актив ташкилотчиларидир. Вьетнам касаба союзлари федерациясининг марказий комитети бу ҳаракатнинг натижаларини якунлаштирди. Ана шу якунларга кўра, Вьетнам ишчилари ва инженер-техник ходимлари кейинги беш йил ичида 510 миллиард яқин рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Бу чора 1,5 миллиард донгдан ортиқ маблағни тежаш имконини берди.

✦ **ЛИССАБОН.** Португалиянинг Авейру шаҳрида Грузия санъати кўргазмаси очилди. Керамика ва металлдан ясалган буюмлар, гиламлар, гравюралар, болалар чизган суратлар бу кўргазмага қўйилган. Рангли фотосуратлар Совет Иттифоқининг республикаларидан бири бўлмиш Грузия аҳолисининг ҳаёти ва меҳнати, тарихий ёдгорликлари ва республиканинг диққатга сазовор жойлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Кўргазма «Португалия — СССР» дўстлиги жамиятининг ташаббуси билан уюштирилди.

✦ **ВЕНА.** Австрияда майда деҳқон хўжаликлари ялпи хонавайрон бўлмоқда. Штария ўлкаси ҳукумати нашр этган «Ялпи китоб» маълумотларига кўра, мамлакатнинг бу районида 1970 йилдан то 1980 йилгача деҳқонлардан 60 минг киши ўз ерини ташлаб кетди, хўжаликлар сони эса 6 процент камайди. Бутун мамлакат бўйича статистика маълумотларига келганда шуни айтиш керакки, барча деҳқонларнинг салкам 25 процени расмий ишсиз минимумидан ҳам даромад олмоқда ва хонавайрон бўлиш ёқасида турибди.

✦ **БАҒДОД.** Ироқ билан Саудия Арабистони Саудия — Ироқ чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги шартномани имзолашди. Ироқ ички ишлар министри Саадун Шокир ва Саудия Арабистони ички ишлар министри Шаҳзода Наиф ибн Абдулазиз ас-Сауд Бағдодда шартномани имзолаш пайтида нутқ сўзлаб, бу шартнома ҳар икки мамлакат яхши қўшничилик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга интилаётганлигининг далилидир, деб таъкидладилар.

(ТАСС, 28 декабрь).

КАПИТАЛИЗМ ИЛЛАТЛАРИ

ТЎЛОВЛАР ЮКИ


Японияда меҳнаткашлардан олинадиган тўловлар кейинги йилларда инқоятда кўпайиб кетди. Бу соҳада олиб борилган текширишлар шу нарсани тасдиқлайдики, мамлакатда тўловлар ҳажмининг ортиб бориши меҳнаткашлар иш ҳақининг ўсишидан икки баравардан ҳам ортади. Мамлакатдаги энг йирик касаба союзларидан бири томонидан тўпланган бу фактлар япон ишчиларини кун кечиришн йилдан-йилга ёмонлашиб бораётганлигини ҳам яққол кўрсатиб беради. Масалан, 1977—1980 йилларда ишчиларнинг иш ҳақи тахминан бир процент оширилган бўлса, улар эммасидаги тўловлар миқдори ўрта ҳисобда 2,5 процент ортган. Шунингдек, ишсиз бўлиб қолганлик учун қилинган страхованне взносларн ҳам кейинги пайтларда инқоятда ортиб кетди. Бу эса меҳнаткашларнинг ҳар йили ўз ҳуқуқлари учун олиб борган курашларн натижасида қўлга киритган устама ҳақларидан бир неча баравер кўплик қилади. Янги йилда ҳам тўловларнинг ўсиб боришн кутилмоқда.

ҚАШШОҚЛИКНИНГ СИРИ

Буюк Британия аҳолиси ўртасида қашшоқлик йилдан-йилга тобора юксак поғонага кўтарилаётир. Яқинда Европа ҳамжамияти комиссияси учун бир гуруҳ инглиз социологлари тўплаган ҳамда матбуотда эълон қилинган маълумотларда «кам деганда 6 миллиондан ортиқ инглиз қашшоқлик ва муҳтожликда кун кечирмоқда» дейилади. М. Тэтчер ҳукумати ўтказиб келаётган иқтисодий сиёсат инглизлар моддий аҳволининг тобора ёмонлашиб кетишига асосий сабаб бўлаётганлиги юқоридаги ҳужжатда аниқ далиллар билан исботланади. Чунки, мамлакатда кейинги йилларда ишсизлик гоятда авж олиб кетди. Айниқса, Шимолий Ирландияда меҳнаткашларнинг аҳволи бошқа жойлардагига нисбатан баттарроқ ёмон аҳволда. Чунки бу ерда Буюк Британиянинг бошқа шаҳарларидагига кўра ишсизлар сони анчагина кўп.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ ҚУРИЛИШИДА

ҚАРДОШЛИКНИНГ УЛУҒВОР РАМЗИ



Суратда: Тошкент телеминорасининг бугунги кундаги кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Советлар мамлакати СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу шонли юбилей халқлар дўстлигининг улкан байрамига айланиб қолажак.

Кўп миллатли мамлакат халқларининг дўстлиги, қардошлиги қандай самаралар бераётганини Ўзбекистон билан Россия Федерацияси мисолида жуда ҳам яққол кўриш мумкин.

Шу кунларда Россия Федерациясининг Ноқоратупроқ зонасида давом этаётган умумхалқ ҳашарида Ўзбекистон мелиораторлари ботқоқ ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиб, замонавий поселкалар бунёд этишяпти.

Ўз навбатида Россия Федерацияси вакиллари ҳам Ўзбекистонда бундёдкорлик ишларини амалга оширишяпти. 1966 йилги зилзиладан кейин Россиядан келган қурувчилар Тошкентда кўплаб уй-жойлар, маъмурий-маиший биноларни фойдаланишга топширдилар, ундан кейин самарали ишлаб турган Тошкент метрополитени қурилишида актив қатнашдилар ва ҳозир унинг иккинчи навбатида ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

Шу кунларда Тошкентдаги «Ғалаба» боғи ёнида барпо этилаётган телевизион минора ҳам қардош халқлар дўстлигининг улуғвор бир рамзи бўлиб қолади. Телеминорани Ленинграддаги «Спецстальконструкция» трестининг 26-монтаж бошқармаси монтажчилари тиклашмоқда. Кўплаб масъулиятли объектларни қуришда иштирок этиб, Иттифоққа донг таратган бу коллектив бунёдкорларининг катта тажрибаси ва юксак маҳоратлари туфайли телеминора кундан-кунга юксаклашиб боряпти. Шу пайтга қадар бу осмонўпар иншоотнинг баландлиги 300 метрдан ошиб кетди.

— Қурилишда, — дейди участка бошлиғи В. Онучин,— фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан ҳамда илғорлар тажрибасидан унумли фойдаланиш ишни юксак суръатда ташкил этишимизга имкон бермоқда. Кўпгина механизмлар, шу жумладан ҳозир антенна қисмида самарали ишлатилаётган кранлар бу ерда биринчи маротаба қўлланиляпти. Узи кўтариладиган бу икки кранни бизга Москвадаги «Промстальконструкция» институти лойиҳаси асосида Тўйтепадаги «Металлконструкция» заводи тайёрлаб берди. Улар илгариги нусхаларидан анча енгил, бир йўла 25 тонна конструкцияни ўрнатиладиган жойига аниқ узатиб беради.

Василий Севостьянов бошлиқ бригада коллективи булутларга ёндош ерда бу оғир конструкцияларни бир-бирига тез ва соз улаяпти. Улар қурилиш бошлангандан буён телеминорадаги барча монтажлаш ишларини муваффақиятли бажариб келишмоқда. Бригаданинг Ш. Янгаличев, Р. Ражабов сингари аъзоларининг графиклардан ўзиб ишлаш ташаббуси қурилишдаги барча бунёдкорларни бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ меҳнат қилишга руҳлантиряпти. Бригадир В. Севостьяновнинг ўзи эса фақат қобилиятли ташкилотчи бўлиб қолмай, новатор бунёдкор ҳамдир. Унинг айниқса, колонналарни битталаб эмас, бир йўла учтасини кўтариш ҳақидаги рационализаторлик таклифи қўлланилиши катта самара берди.

Тошкент телеминорасининг юзинчи метри атрофида махсус томошагоҳ ва икки қаватли бар жойлашади. Бу ерлардан туриб азим ва гўзал пойтахтимизнинг турли бурчакларини бемалол томоша қилиш мумкин бўлади. Чунки томошагоҳ ва барлар айланувчан қилиб ишланаётир. Марлен Шокиров бошлиқ бригада аъзолари уларнинг айланувчи поллари асосини тайёрлаб қўйиш билан янги йилни кутиб оляптилар.

Томоша майдончасига ҳозирнинг ўзидаёқ тез юрар пассажир лифтида чиқиш мумкин. Бу лифтни монтажчилар-нинг ўзлари ясашган. Кейинчалик бу ерда одамларни юқорига олиб чиқиш ва тушириш учун хизмат қиладиган иккита лифт ўрнатилади. Улар ўртасида жойлашадиган тортиб билан эса 220 метрга қадар кўтарилиш мумкин. Бу ерда жойлашадиган телерадио алоқа хизмати пункти республикамиз аҳолисини беш программали телекўрсатувлар ва тўрт программали радиоэшиттиришлар билан таъминлаш имконини беради. Бу — кўрсатув ва эшиттиришларнинг сифати ҳозиргига қараганда 2,5 маротаба яхши бўлади.

Телевизион минора бошдан оёқ металл конструкцияларни бир-бирига пайвандлаш усули билан бунёд этилади. Унинг умумий вазни 5800 тоннадир. Бу эса пайвандловчилардан катта маҳорат ва масъулият талаб қилишини кўрсатиб турибди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Фёдор Лоленко бошлиқ пайвандчилар бригадаси зиммаларидаги бу вазифаларни аъло даражада уддаламоқдалар.

Қурилишда юқорида номлари санаб ўтилган бригадалар қатори Борис Соболев, Владимир Карусевич бошлиқ бригадаларнинг зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатиб ишлаётганлигини ҳам қайд этиш керак. Бу бригадаларнинг аъзолари ҳам телеминоранинг кун сайин юксалиб боришига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

СССРнинг 60 йиллигини ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасида актив қўшилган Ленинграддаги «Спецстальконструкция» трестининг 26-монтаж бошқармаси қурувчилари 1982 йилнинг биринчи ярмида телеминорани лойиҳада кўзда тутилган маррага етказишга аҳд қилишган. Коллективнинг шу кунлардаги зарбдор меҳнати бу юксак марра албатта, ўз вақтида эгалланишидан далолат беряпти.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
А. ҚОРЖОВОВ.

Диққат: янгилик

БИЛИМ САРЧАШМАСИ

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

Оржоникидзе районидаги Тимирязев номли 25-ўрта мактаб **педагогик коллективи болаларни олти ёшдан, ҳафтада беш кун ўқитиб, икки кун дам олиши тажрибаси устида катта ишлар олиб боряпти. Бундай ўқитиш тажрибаси яхши натижалар бермоқда.**

Мактаб ҳаёти билан танишган киши аҳил коллективнинг ижодий ташаббуси, ўз касбига муҳаббатини, ёш авлод таълим-тарбияси юксак савияда олиб борилаётганини деворлардаги фотосуратлар, диаграмма, кўргазма, турли плакатлардан аниқ-равшан билиб олади. Тажрибали ва ташаббускор педагог Озода Шукурова директорлик қилаётган бу билим масканининг ишчан, аҳил коллективи бундан бирнеча йил муқаддам республикада биринчи бўлиб масъулиятли вазифа — мактабда эксперимент тайёрлов группаси ташкил этиб, болаларни олти ёшдан ўқитиш тажрибасини бошлашганди. Мактаб остонасига илк бор қадам қўйган кичкинтойларга қалам ушлашдан тортиб, партада ўтириш, ўқитувчини қунт билан тинглаш, иясонни қуршаб олган олам сирларини тушуниш — ҳамма-ҳаммаси меҳр билан ўргатилмоқда.

— Олти ёшли болаларни тайёрлов группасида ўқитиш бундан олти йил илгари мактабимизда тажриба сифатида қўлланилган эди, — дейди О. Шукурова. — Дастлаб тайёрлов группаларида ўқитилган талабаларимиз ҳозир 5-синфда. Ўқувчи-ёшларни олти ёшдан бошлаб ўқитиш, ҳафтада икки кун дам олишга кўчириш уларда чуқур ва пухта билим ҳосил қилиш синфдан ташқари тарбиявий ишлар, эстетик тарбия, меҳнат тарбиясининг кенг кўламда олиб борилишига имкониятлар яратмоқда. Бундай тажриба ўқиш программасидаги эскирган ва ортиқча нарсаларни ўз-ўзидан чиқариб ташлашга, дарс соатларини ихчамлаштиришга ёрдам беради.

Тайёрлов группаларини ўқитиш тажрибали, истеъдодли муаллимларга топширилган. М. Муродова, Ф. Хўжаева сингари педагоглар олти ёшлиларни билимлар олами сиридан воқиф қилишда мактаб коллективининг ифтихори ҳисобланади. Бу ўқитувчилар раҳбарлигида илк бор қўлига қалам тутиб, ёзишни, ўқишни ўрганган болаларнинг бари эндилигида мактабнинг аълочиси, актив, жамоатчи ўқувчиларидан бўлиб камол топмоқдалар.

Ўқитувчи тайёрлов группасидан бошлаб, ёшларда дўстлик, ўртоқлик, коллективизм, меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантиришга интилади. Ўтиладиган дарсларнинг ўқувчи мукаммал тушуниб оладиган аниқ, равшан, конкрет, жонли мисоллар, техник воситалар, кўргазмали қуроллар асосида олиб борилиши билимлар мамлакатининг шу кунги асосий талабидир.

— Билим ва тарбиянинг мустаҳкам замини, — дейди Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Озода опа,— бошланғич синфда яратилади. Бу ҳақда ўйлаган педагог ўзининг бор истеъдоди, маҳоратини бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий оламини бойитишга сарфлайди. Болалар қалбига киришга, унинг кўнглида нималар борлигини билиб олишга ҳаракат қилади. Бу эса, ёшларда ҳамма фанларга бир хилда қизиқиш ва масъулият ҳисларини тарбиялашда жуда-жуда асқотади.

Бу билим масканида дарс ҳам, ўйин ҳам вақтида бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Келажагимиз эгалари бўлмиш ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашдек улкан ишда бутун мактаб коллективи: фан ўқитувчилари, пионер ва комсомол ташкилоти, ота-оналар жамоатчилиги актив фаолият кўрсатмоқда. 830 ўқувчини ўз қучоғига олган билим масканида яхши ташаббус ўзининг қувончли натижаларини бермоқда. Мактабда дарсларни сабабсиз қолдирувчи ёки фанларни ўзлаштирмовчи, бир синфда икки йиллаб қолувчи ўқувчилар мутлақо йўқ. Янги ўқув йили бошланганидан буён мактабда дарслар бир сменада олиб борилмоқда. Бунинг учун оталиқ ташкилотлари ёрдами билан қўшимча синф хоналари қуриб битказилди. Фан кабинетлари, ҳунар-таълим устахонаси, спорт заллари, ошхона, буфетлар мукаммал жиҳозлантирилди. Ўтган йилга қараганда қуни узайтирилган группаларнинг сони икки баравар кўпайди.

Мамлакатимиз халқ маорифида рўй берган ҳар бир янгиликнинг келажаги порлоқ. Илғор совет педагогика фани ютуқларига таяниб олиб борилаётган тажриба, изланишлар яқин келажакда умумий таълим мактабларида олти ёшли болаларни ўқишга тортиш ва ҳафтада беш кун ўқитиб, икки кун дам олишдек муҳим вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига замин яратади.

Р. ДАМИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ



Фарғона областидаги олий спорт маҳорати мактабида кўплаб спортчилар тайёрланяпти. Ҳозир бу ерда 600 дан ортиқ спортчи тажрибали тренерлар раҳбарлигида машғулотларга ҳозирлик кўришяпти. Суратда: ёш курашчилар И. Рукавицин билан Г. Гейдаров.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

✦ **ВОЛЕЙБОЛ.** Москва ва Ленинградда аёллар командалари ўртасида мамлакат чемпионати бошланди. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси Москвада куч синашмоқда. Волейболчиларимиз ЦСКА (0:3), Москва динамочилари (3:0), Киевнинг «Соколь» (3:2) коллективлари билан баҳслашдилар.

✦ **БАСКЕТБОЛ.** Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг саралаш ўйинлари якунланди. Биринчи группада Тошкентнинг «Университет» ва Свердловскнинг «Уралмаш» коллективлари фахрли ўринлар учун курашувчи финалчилар қаторидан жой олишди.

✦ **ХОККЕЙ.** Тошкентнинг «Бинокор» командаси Пензанинг «Дизелист» коллективини қабул (1:3) қилди. Хоккейчиларимиз ҳисобида 39 очко бор.

ЯНГИ ЙИЛ ЯРМАРКАСИ

ҚИШ ЧИЛЛАСИДА ЕЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Бу йил мева, сабзавот полиз экинларидан юқори ҳосил етиштирган республикамиз соҳибкорлари ёз бўйи пойтахт аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб келдилар.

Янги йил арафаси— чиллада ҳам деҳқонлар тошкентликлар дастурхонини ёз неъматлари билан безаш учун полиз, сабзавот, турли мева-чевалар ортилган карвонлар билан ташриф буюришди. Госпиталь бозорига жойлашган Самарқанд область соҳибкорлари минг тоннадан ортиқ ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотаётирлар. Самарқанд асали, майизи, қовун-тарвузи, узуми, олма-анори шаҳарликларга манзур бўлмоқда.

Сурхондарё хурмоси, анори, узуми шаҳарнинг Қорақамиш массивидаги бозорда сотилмоқда. Фарғона водийси областлари, Бухоро, Хоразм, Тошкент область деҳқонлари Сергели, Олой бозори, Қорасув ва бошқа колхоз бозорларида савдо қилмоқдалар.

СУД ЗАЛИДАН

ҲАРОМХЎРЛАР ТАЪЗИРИНИ ЕДИ

Агар газетхонларнинг хотирида бўлса, газетамизнинг 1980 йил 17 декабрь сонида «Ҳаромхўрлар» сарлавҳали танқидий материал босилиб, унда «Уздорресторан»нинг Марғилон темир йўл станциясидаги «Лағмон» павильонига ии қурган бир гуруҳ юлғичларнинг афти-башараси очиб ташланган эди.

Чиндан ҳам «Дорресторан»га қарашли мазкур «Лағмон» павильонининг бригадир-ошпази Т. Аҳмаджонов, «Ўзмясмолторг»нинг Фарғона базаси экспедитори Ғ. Азизов, омбор мудири М. Мадаминов ҳамда бригадир-ошпаз Б. Аҳмедовлар давлат мулкига худди оталадиган қолган меросдек муносабатда бўлиб, роса давру даврон суришди.

Т. Аҳмаджонов экспедитор Ғ. Азизов билан тил топишиб, умумий овқатланиш корхоналарига келаётган гўшт маҳсулотларининг бир қисмини ўмариш йўлларини кашф этишди. Шундай қилиб, «Дорресторан» марказий омборига топширилиши керак бўлган гўштнинг бир қисми Марғилон шаҳар, Пушкин кўчаси, 350-уйда яшовчи Т. Аҳмаджоновнинг уйига гир-гир ташиб турилди.

Лекин юлғичларнинг сири очилди. Юлдузни бенарвон урадиган экспедитор Ғ. Азизов навбатдаги юзлаб килограмм гўштни ҳамтовоғи Т. Аҳмаджоновнинг уйига жўнатиши билан орадан бир неча соат ўтгач, уларнинг «гуркираган фаолияти»га батамом чек қўйилди. Ўша куни Аҳмаджоновнинг уйи тинтув қилинганда махсус хонада 1342 килограмм гўшт ва гўшт маҳсулотлари, савдо тармоқларидагина фойдаланиладиган «ШХ-4» холодильниги, кушхона куидалари ва ускуналари, тарози, синтетик қоплар чиқди...

Фарғона область суди раисининг ўринбосари ўртоқ М. Махмудов раислигида жиноят ишлари судлов коллегиясининг очиқ суд мажлиси ана шу юлғичларнинг жиноий ишларини кўриб чиқди. Одил суд ашаддий юлғич Т. Аҳмаджоновни 9 йил муддатга қучайтирилган режимли қамоқ жазосига ҳукм қилди. Илгари қамалиб чиққанлигига қарамай тавбасига таянмаган Ғ. Азизов ҳам энди умрининг 7 йилини қамоқда ўтказади. Омбор мудири М. Мўминов, бригадир-ошпаз Б. Аҳмедовлар ҳам тегишли жазоларини олдилар.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Маликан Турандот. Спектакль. 12.40 — Фильм-концерт. 13.25 — Ҳужжатли фильм. 13.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — иқболинг. 15.45 — Қувноқ стартлар. 16.30 — Рус тили. 17.00 — Концерт. 17.30 — Ишлар адреслари. 18.30 — Горичлар, қаерда сиз! 19.00 — Болаларга атал ган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Советлар ва ҳаёт. 19.55 — Ягона. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Концерт.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Француз тили. 10.35 ва 11.35 — Химия. 11.05 — Концерт. 12.40 ва 13.40 — География. 13.10 — Шахмат мактаби. 14.15 — Ж. Свифт. Ҳаёти ва ижоди са ҳифалари. 15.15 — Одамларга керак бўл! Кабалевский бўгун. 2-фильм. 16.10 — Сен қо нунини биласанми? 19.30 — Баскетбол. ЦСКА — Строитель (К) 20.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Эҳ, водевиль, водевиль. Бадиий фильм. 23.10 — Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.05 — Фильм-концерт. 12.20 — Оқшом тушишига бор ҳали. Бадиий фильм. 13.45 — Телефильмлар. 17.40 — Сўз кетидан сўз келар. 18.10 — Кичик сеҳргарлар. 18.50 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Янги йил дастурхонига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Наштар» киножурнали меҳмонимиз. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Учинчи қўнғироқдан сўнг. Театр шарҳи.

ТОШКЕНТ-II. 18.20 — Телефильм. 18.30 — Эстетика асослари. 19.10 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Байрамолди рекламаси. 20.35 — Телефильм. 21.10 — Енгилдан эҳтиёт бўлинг. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек композиторларининг қўшиқлари. 9.35 — Экран куйлари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Ютуқлар яхши, вазифалар катта. 14.00 — Якунлар ва режалар. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — М. Насимов. Дилбарим. Вокал сюита. 19.40 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 21.00 — Ал-Хоразмий туғилган кунининг 1200 йиллигига. 21.10 — Ота уйи. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ
1981—1982 ўқув йили учун
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТУРЛИ РАЗРЯДДАГИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ОШПАЗЛАР, КОНДИТЕРЛАР, БОЛАЛАР ОВҚАТИ ВА ПАРҲЕЗ ОВҚАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ ОШПАЗЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ўқиш муддати 10 синф маълумоти борлар учун — 2 йил, 8-синфни битирганлар учун — 3 йил.

ЎҚИТИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш 2 январдан бошланади.

ЎҚИШГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШОВЧИ 15—20 ЁШДАГИЛАР КИРИШ ИМТИҲОНИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Битирувчиларга ошпаз ёки кондитерлик мутахассислиги билан бир қаторда ўрта маълумоти ҳақида диплом берилади.

Барча ўқувчиларга ойига 32 сўмдан 41 сўмгача стипендия тўланиб, бошқа шаҳардардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юрти қошида волейбол, футбол, сузиш каби спорт секциялари билан бир қаторда хор, ўзбек ансамбли каби бадиий тўгараклар мунтазам равишда ишлаб туради.

Ўқиш даври иш стажига қўшилади.

Ишлаб чиқариш практикалари Тошкент шаҳридаги йирик ошхона ва ресторанларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: директор номига ариза, автобиография, 6 дона 3х4 см. ҳажмидаги расм, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), характеристика, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, савдо ёки умумий овқатланиш трестидан йўлланма.

Бизнинг адрес: 700071. Тошкент шаҳар Октябрь район, Самарқанд дарвоза кўчаси. 60-уй (4, 9, 11-трамвайлар, 29,32, 34, 36, 43«а», 90-автобусларнинг «Октепа» бекати).

Телефонлар: 78-26-27, 78-82-69.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги
ЛЕНИН ОРДЕНЛИ Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
ТОШКЕНТ БИР ЙИЛЛИК БОҒБОНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИ
1982 йилга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб колхоз ва совхозлар учун боғдорчилик, узумчилик, пальметта боғлари бўйича малакали кадрлар, цитрус мевалар, гулчиликка оид мастер-технологлар тайёрлайди.

Боғбонларнинг малакасини оширади ҳамда қўшимча равишда шофёрлик касбига ўргатади.

Мактабга боғдорчилик, узумчилик соҳасида 2 йиллик иш стажи бўлган, 7-10 синф ҳажмида маълумотли шахслар колхоз ва совхозлар йўлланмаси билан қабул қилинади.

Ўқишга юборилган колхоз аъзолари ва совхоз ишчи-хизматчиларига иш жойида ўртача ойлик маошн сақланади.

Ўқувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Мактабга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, шаҳодатнома), ўқишга юборилганлиги ҳақида ишлаб турган хўжалик томонидан берилган йўлланма, соглиги ҳақида справка (286-форма), учта фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, мактаб директори номига ариза.

Ўқиш 4 январдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тошкент райони, Гулистон қишлоқ Совети (107, 108-автобусларнинг «Сельсовет» бекати).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/XII да Олтин девор, 30/XII да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/XII да Хизматингизга тайёрмиз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/XII да Отасининг қизи.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа. СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

«П-Сергели» турар жой массивида автоматик гаплашиш пункти

ОЧИЛДИ

Пунктда марказий шаҳарларга, Ўзбекистоннинг областлари марказларига, шунингдек Тошкент областининг шаҳарлари ва районлари марказлари билан автоматик тарзда боғланиш таъминланган.

Пунктнинг иш вақти — маҳаллий вақт билан 8.00 дан 20 гача, дам олиш кунисиз ишлайди.

Адрес: Тошкент шаҳри «П-Сергели» турар жой массиви, 6«в»-у (12-алоқа бўлими биносида, Сергели савдо маркази рўпарасида).

Республика шаҳарлараро телефон станцияси.

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ
1—10 январь кунлари
ҚЎЧМА ЯНГИ ЙИЛ СПЕКТАКЛЛАРИ ЎҚУВЧИ ҚУШИМЧА

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

56-73-95(94) телефон номери бўйича соат 9 дан 15.00 гача справкалар олиш мумкин.

МОЛПАРАСТ БОНУ НИМА ДЕЙДИ?

ФЕЛЬЕТОН

— Қани, дастурхонга қаранг, эгачи. Хўп чиқибсизда, ўзимам тарс ёрилай деб ўтирувдим. Бундай бўлар деб хаёлимга ҳам келтирмаган эдим-а! Кимсан Бувинисо Акбарова бўлиб юргандим. Ҳей, аттанг! Қани энди-ўша давру давронлар?!

Олинг, манавилардан ебичиб ўтиринг, жоним тасаддиқ! Омадим келган экан-да! Катта-катта жойларда ўқиб келган не-не кишилар бир чеккада қолиб, бор-йўғи етти синф маълумотли мендай чаласавдни Бўкадаги 10-магазинга мудир қилиб кўтаришди. Анов-манов магазин эмас, озиқ-овқат ва саноат моллари магазини! «Давлат қуши қўнса чивин бошига, семурғ келур кўрмоқ учун қошига», — деган гапни қачонлардир бир одамдан эшитгандим. Бундоқ ўйлаб қарасам, ҳақ экан. Катта дўконга мудир бўлдим-у: «Бувинисо бону, омон-эсон юрибсизми? Бувинисо бону, бахтимизга бардам бўлинг», — дейдиганларнинг ҳисобига етолмай қолдим. Ҳа, камёб моллардан енг ичида узатиб турганимдан кейин тил-ёғламалик қилмай кўришсин-чи!

Хўп чиқибсиз-да, дастурхонга қараб ўтиринг, эгачижон. Тарс ёрилай деяпман, кўнглимни бўшатиб олмасам асло бўлмайди. Ана шундай қилиб денг, мен сизга қоқиндиқ келаверди давлат, келаверди давлат. Тўп-тўп камёб атлас, турли-туман бахмал, тилла буюмлар — эҳ-ҳе, қай бирини айтай?! Ўзингизга аён, эгачижон, икки катта дўконга келган сархил моллар Бўка шаҳрининг Ҳамза кўчасидаги 98-уйга, яъни бизнинг кошонамизга оқиб келаверди. Уйламизда оёқ босгулик жой топилмай, қолди. Тўп-тўп атлас ва бахмалларнинг, олтин буюмларнинг жилваси, даста-даста пулларнинг ҳиди бизларни гангитиб қўйди. Ман-ман деган кишилар кўзларимизга чивиндек кўринадиган бўлиб қолди.

Мен сизга айтсам, эгачижон, мол-дунёнинг ўзи хўп яхши-ю, васвасаси ёмон бўларкан. Кўча тарафдан тарақ этган товуш эшитилса: «Оҳ, келди, босди!» — деб қарайдиган бўлдик. Рангимизда қон, танамизда жон қолмади. Ҳар куни шу алпозда кун ўтказамиз-а! Бир пайтлар бир тутамгина бўлган кечаларимиз энди йилдан ҳам узун кўринади кўзларимизга. Ҳов, тунов кеча ўлгудай босинқираб чиқдим. Кўзларимни юмдим дегунча духоба ва атласларга бурканиб олган шайтонваччалар олтин тишларини ялтиратиб устимга ёпирилишди. «Войдод, қутқаринглар!» — деб қичқириб юбордим-у, ўз овозимдан ўзим чўчиб уйғониб кетдим. Кўзимни очиб қарасам, Қосим акамлар билан қизим тепамда юм-юм йиғлаб ўтиришган экан. «Бувинисо бону, Бувинисо бону, ўзингни маҳкам тут!» — дедилар Қосим акам. «Ойижон, ойижонгинам!» — жовдирар эди Нафиса. Ана шунақа, эгачижон! Эчкига жон қайғуси, қассобга мой қайғуси, дейдилар. Биз бечоралар ҳам мол қайғусидамиз, ҳам жон қайғусида. Оч қорним, тинч қулоғим қабилида кун кўра қолайлик десак, балойи нафсимиз йўл бермайди.

Мен сизга айтсам, эгачижон, кечалари тинчлик бермаётган шайтонваччаларни даф қилиш чорасини қидириб қолдим. Уй эшикларига, кўча эшикка калладай-калладай қулфлар ўрнаттирдим. Анвойи матоларга ўраниб-чирманиб олган шайтонваччалар шундаям тинч қўймашмади. Мол-дунёларимизни йўқотиб қутула қолайлик десак, кўзимиз қиймайди. Ҳа, бу кўз қурғур тупроққа тўлганда тўғридан-тўғри тўлганга ўхшайди. Жонимни ҳовучлаб ана шу алпозда кун ўтказиб юрган эдим, Тошкент область ички ишлар бошқармасидан бир тўда киши дўконимда текширув бошлаб қолди. «Вой, шўрим!» — деганимча тўрт тарафга зир югурдим. Дўкондан қанча пул ўмарганим ўзимга аён эди, дарровгина 10200 сўмни тегишли жойга олиб бориб топширдим. Афсус, ҳийлаи-найранглим қўл келмади. Орган ходимлари сиримни фош этиб қўйишди.

Ана шу куни денг, эгачижон, Тошкент область ички ишлар бошқармаси хизматчилари Қосим акамлар мудирлик қилаётган 13-магазинни ҳам таппа босишган экан. Орган хизматчилари кошонамиздаги мол-дунёлар-у, пулларни бир бошдан хатга сўшди. Жами моллар ва пулларимиз 36878 сўмни ташкил этди, эгачижон! Ана ўшанда атлас ва бахмаллар, тилла буюмлар кўзларимга ўлгудай совуқ кўриниб кетди.

Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули ёнга, эгачижон! Бўкада Акбаровларнинг танобини тортадиган киши ҳали туғилганича йўқ, деб гар-гар кекириб, оғзимиздан тутун бурқситиб юрган эдик. Ҳай, аттанг!

Бувинисо Акбарованинг хасратини оққа кўчирувчи:

Усмон ЮСУПОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 06743. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 298.